

6-1-2021

DIRECTIONS OF INCREASING THE QUALITY OF ACCOUNTING INFORMATION

Anvar Avlokulov Prof.
Tashkent Institute of Finance

Zilola Zufarova
Tashkent Institute of Finance

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Avlokulov, Anvar Prof. and Zufarova, Zilola (2021) "DIRECTIONS OF INCREASING THE QUALITY OF ACCOUNTING INFORMATION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021 : Iss. 3 , Article 9.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss3/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

*И.ф.д., проф. Анвар Авлокулов, Зилола Зуфарова
Тошкент молия институти*

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ АХБОРОТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ҳамда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти шаффофлигини таъминлаш муҳим масалалар қаторига киради. Мазкур жараёнда хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби хизмати ишини тўғри йўлга қўйиш, халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботлар тузиш жараёнини жадаллаштириш долзарб ҳисобланади. Мазкур тадбирларнинг ўз вақтида ва тизимли йўлга қўйилиши бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатининг ошишига хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатининг таъминланиши ички ва ташқи фойдаланувчилар учун оқилона бошқарув қарорлари қабул қилинишига хизмат қилади.

Мазкур мақолада бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатига қўйилган талаблар ёритилган. Шунингдек, молиявий ҳисоботларни тузишда бухгалтерия ҳисоби ахборотларини шакллантиришга таъсир этувчи омилларга аниқлик киритилган. Тадқиқотлар натижасида бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатини ошириш йўналишлари тавсия этилган.

Таянч сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисоби ахборотлари, ахборотнинг сифат тавсифлари, узлуксизлик, ишончлилиқ, кўрсаткичларнинг қийсанувчанлиги.

*Prof. Anvar Avlokulov, Zilola Zufarova
Tashkent Institute of Finance*

DIRECTIONS OF INCREASING THE QUALITY OF ACCOUNTING INFORMATION

Abstract: Ensuring the transparency of the activities of economic entities in the process of modernizing the country's economy and integrating into the world community is considered one of the most significant issues. In this process, the actual problems are considered to be the correct formulation of accounting in business entities, the preparation of financial statements based on international standards. Timely and systematic setting of these processes contributes to the improvement of the quality of accounting information. Ensuring the improvement of the quality of accounting information will serve to make the right and optimal management decisions for external and internal users.

In this article discusses the requirements for the quality of accounting information. The factors influencing the formation of accounting information in the preparation of financial statements have also been clarified. As a result of the study, the directions for improving the quality of accounting information were recommended.

Keywords: accounting, financial reporting, accounting information, qualitative characteristics of information, going concern, reliability, comparability of indicators.

КИРИШ

Жаҳон миқёсида кузатилаётган коронавирус пандемияси иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида фаолият кўрсатаётган кўпгина компанияларнинг аксарият қисмида молиявий-хўжалик фаолиятининг ёмонлашишига ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келмоқда. Бу ҳолат кўпгина

компанияларда мавжуд ресурслардан тежамкорона фойдаланиш, кундалик фаолиятида қатъий тартиб-интизомга риоя қилиш, бухгалтерия ахборотларининг ўз вақтида ва шаффоф тарзда тузилишини тақозо этмоқда. Айнан бухгалтерия ҳисоби ахборотлари компаниялар раҳбариятидан бой берилаётган имкониятларни ўз вақтида бартараф этиш ва истиқболли ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, бухгалтерия ҳисоби ахборотлари агарда юқори сифатда тузиладиган ҳамда тақдим этиладиган бўлсагина, ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар учун фойдали ҳисобланади. Шу боисдан барча манфаатдор фойдаланувчиларнинг муҳим иқтисодий қарорларни қабул қилишида бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатига эътибор қаратиш даркор. Бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг сифатини оширишда унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда салбий аҳамият касб этадиганларини бартараф этиш муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатини ошириш масалаларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимларнинг асарларида кенг эътибор қаратилган.

“Молиявий ҳисоботлари тақдим этиш” номли 1-сон бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига (БҲХС)га мувофиқ, капитални бошқариш жараёнида корхоналар ўз мақсадларига эришиш учун молиявий ҳисоботда сифатли ахборотни таъминлаш керак [1].

АҚШлик иқтисодчи олим Брюс Поундер таъкидлашича, бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти у тақдим этаётган ахборотларнинг сифати билан ифодаланади [3].

Россиялик иқтисодчи олим Л.А.Юдинцева таъкидлашича, фойдаланувчиларни уларнинг иқтисодий асосланган қарорлар қабул қилишида ахборотга бўлган эҳтиёжининг қондирилиши билан ифодаланади [8].

Малайзиялик иқтисодчи олимлар Н.Азар, З.Зақария, Н.А.Сулаймон бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатини белгилаш бўйича қуйидаги тўхтама келишган: бухгалтерия ҳисоби ахборотининг фойдали бўлиши учун у иккита сифат хусусиятига эга бўлиши керак: мақбул ва ишончли тақдим этиш. Шунингдек таққосланувчанлик, ўз вақтидалик, тушунарлилик каби хусусиятлар ҳам ахборот сифатини белгилаб беради [5].

Индонезиялик иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг сифат мезони бўлиб, уларнинг аниқлиги, долзарблиги, ўз вақтидалиги ва тўлиқлиги ҳисобланади [7].

Иорданиялик иқтисодчи олим Аҳмед Адел Жамил Абдалланинг фикрича, бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатининг ошиши кўзланган мақсадга эришиш йўлида оптимал қарорлар қабул қилиш имконини беради [2].

Руминиялик иқтисодчи олим Карамаин Адриан-Космин таъкидлашича, субъект томонидан тақдим этиладиган бухгалтерия ҳисоби ахборотлари муайян сифат хусусиятларига эга бўлиши ва фойдаланувчилар учун фойдали бўлиш зарур [4].

Испаниялик иқтисодчи олимлар Н.Ортега ва Х.Рамирес бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатининг ошиши ташкилот фаолиятининг самарадорлиги ошишига хизмат қилади [6].

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан кўришиб турибдики, кўпгина тадқиқотларда бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатига қўйилган талаблар ёритилган. Аммо тадқиқотларда бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатини ошириш йўналишларига кенг эътибор қаратилмаган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Илмий тадқиқотни амалга оширишда бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатини ошириш борасидаги иқтисодчи-олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъект фаолиятида ахборот таъминотининг асоси ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси – ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчиларни хўжалик юритувчи субъект фаолияти ва унинг молиявий ҳолати ҳақида бошқарув қарорлари асосида қабул қилинувчи ахборот билан таъминлашдан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтернинг роли бошқарувни зарур ахборот билан ўз вақтида таъминлаш билан белгиланади, чунки айнан бухгалтерия хизмати хўжалик юритувчи субъектнинг мулкӣ ҳолати ва фаолияти натижалари ҳақида ахборот шакллантирадиган етакчи бўлинмалардан бири ҳисобланади. Ахборот нафақат тўлиқ ва ишончли, лекин шу билан бир пайтда шаффоф ва сифатли ҳам бўлиши керак.

Ахборотнинг сифат тавсифлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг биринчи босқичи бухгалтерия ҳисоби ахбороти сифатига бевосита таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби ахбороти сифати ҳақида гапирганда, биз ахборотни фойдаланувчи олдида турган мақсадларга эришиш учун фойдали қиладиган белгилар мавжудлигини назарда тутамиз. Ахборотлар сифати деганда унинг якуний фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун яроқлилигини асослаб берувчи ахборотнинг объектив хусусиятлари йиғиндисини тушунамиз.


Ахборотнинг кўплаб ва хилма-хил хусусиятларини келтириш мумкин. Ахборот ва унинг хусусиятлари ҳар бири ўзи учун энг муҳим хусусиятларни ўрганувчи қатор фанларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Ахборотнинг сифат ва миқдор жиҳатларини тадқиқ этишга ҳам (эҳтимолий-статистик, комбинатор, алгоритмик, семантик, прагматик), иқтисодий тоифа сифатида ахборотнинг моҳиятини ўрганиш, уни такрор ишлаб чиқаришнинг қиймат жиҳатларини ўрганишга ҳам турлича ёндашувлар мавжуд. Бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан ахборотнинг қуйидаги хусусиятлари энг муҳим хусусиятлар сифатида намоён бўлади: объективлик, тўлиқлик, ишончлилик, мослик, очиқлик ва долзарблик.

Ахборот, жумладан, бухгалтерия ахбороти сифати масалаларига бағишланган адабиёт манбаларини таҳлил қилиш ахборот сифатига таъсир этувчи куйидаги омилларни аниқлаш имконини беради (1-расм).

Бухгалтерия ҳисоби ахборотларига сифатига таъсир этувчи омилларни куйида батафсил кўриб чиқамиз.

Қонунчилик билан тартибга солиш, ҳуқуқий меъёрлар, стандартлар ва профессионал муҳокамаларни қўллаш даражаси. Маълумки, ҳисоб ахборотлари сифати биринчи навбатда, уни шакллантириш методологиясига, шунингдек, асосий принциплар ва қоидаларни тартибга солиш даражасига боғлиқ.

Иқтисодчи олимлар асосан ҳисоб ахборотлари сифатига ҳам худди шундай талаблар кўяди. Принципларни иерархик тартибга солиш муаммосини ҳисобга олиб, қонунчилик даражасида белгиланган бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари рўйхати ва мазмунини қайта кўриб чиқиш зарур. Сифат тавсифлари фойдаланувчиларга қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати тўғрисида тўлиқ, ҳаққоний ва холис ахборот тақдим этиш ҳисобланади. Ахборот тўлиқ, ҳаққоний ва холис бўлиши лозим. Айнан шу мезонлар бухгалтернинг профессионал муҳокама қилиш даражаси ва имкониятларига боғлиқ.



1-расм. Бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифати сифатига таъсир этувчи омиллар¹

Молиявий ҳисоботда унга мувофиқ фойдаланувчилар тўғри иқтисодий қарорлар қабул қилиши мумкин бўлган тўлиқ ва ишончли ахборотларни очиб бериш хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд бухгалтерия ҳисоби назарияси ва амалиёти ютуқлари ва ҳуқуқ меъёрларини қандай усул билан қўллашига, шунингдек, уларнинг профессионал муҳокамадан фойдаланиш имкониятларига ҳам боғлиқ.

¹ Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Замонавий бухгалтерия ҳисоби учун кучли норматив база ва замонавий технологиялар мавжудлиги етарли эмас. Бухгалтерия ҳисобини юритувчи шахсларнинг профессионаллиги билан бир қаторда уларнинг ахлоқий позицияси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ахборотларни шакллантириш ва тақдим этиш жараёни, тақдим этиш манбаси. Ахборот сифатини баҳолаш, энг аввало, уни тақдим этиш манбалари – бирламчи ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва бошқа ҳисобот турларини баҳолашдан бошланади. Ахборот ҳаққонийлигини таъминлаш учун уни тўплаш, йиғиш ва қайд қилиш усуллари тўғрилигини таъминлаш лозим. Агар бирламчи ҳужжатлардаги ахборот сифат тавсифларига, хусусан, ишончлилик, ўринлилик ва ўз вақтидаликка жавоб бермаса, келгусида олинган ахборот ҳам молиявий ҳолатни тўлиқ акс эттирмайди, бу эса нотўғри бошқарув қарорларини қабул қилишга олиб келади ва хўжалик юритувчи субъектнинг келгуси фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Шуни ёдда тутиш зарурки, ахборотнинг сифат даражаси бирламчи, жорий ва якуний ахборот воситалари сифатига, ахборот олиш ва бухгалтерия ҳужжатларида акс эттириш муддатлари ўртасидаги фарқни қанчалик кичрайтиришга боғлиқ.

Бунга идеал кўринишда ҳисоб ахборотлари ўз вақтидалиги, ҳаққонийлиги ва сифатини таъминлаши лозим бўлган ҳисобни оқилона ташкил қилиш ёрдам беради. Ахборотнинг тез келиб тушиши учун кўплаб хўжалик юритувчи субъектларда ҳужжатлар айланиш графиги тасдиқланган. Бироқ кўпинча ахборот сифатини бирламчи ҳужжатлар намунавий шакллари эскирганлиги пасайтиради, шу сабабли бундай вазиятларга йўл қўймаслик учун бухгалтер қонунчиликдаги ўзгаришларни кузатиб бориши, бирламчи ҳужжатларнинг мавжуд шаклларини янгилаши ёки янгиларини юритиши лозим.

Шундай қилиб, ҳисоб ахбороти сифатини баҳолаш ахборот тайёрлаш жараёнининг ўзига, ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигига ва якуний натижани баҳолашга боғлиқ. Ҳисоб ахборотларининг асосий сифат тавсифларини қўллаш молиявий ҳолат ҳақида ишончли маълумот берувчи, шунингдек, бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнида ҳисоб ахборотларини қўллаш соҳаси ва сифатини оширувчи молиявий ҳисоботни тузишни таъминлайди.

Бироқ санаб ўтилган барча сифат тавсифлари мавжудлиги хўжалик юритувчи субъектда ахборотдан фойдаланиш самарадорлигини доим ҳам етарли даражада таъминламайди, чунки тегишли назорат бўлмаганда ахборот кўрсаткичларини осонлик билан ўзгартириш мумкин.

Тақдим этиш субъекти. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи стандартлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг асосий функцияси ахборотдан фойдаланувчиларни маълум бир кафолатлар билан таъминлаш ҳисобланади, бунинг натижасида ахборотдан фойдаланувчи бухгалтерия ҳисоби тизими унинг назорати остидан чиқмаганлигига ишончи комил бўлиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар маълум бир манфаатлар ҳимоясини яратиши, ҳисоботлар ва бошқа бухгалтерия маълумотлари қалбакилаштирилишининг олдини олиши лозим.

Бироқ биронта қонунчилик ахборот ишончсизлигини тўлиқ бартараф эта олмайди ва биз ҳеч қачон, ҳаттоки дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам бухгалтерия ҳисобида фирибгарликларга қарши кураш бўйича узок муддатли

самарали қарорларни кўрмаймиз. Айнан шу сабабли хўжалик фаолияти мураккаб тизимида алоҳида профессионаллар гуруҳи учун турли вазиятларда Ахлоқ кодекси ва ахлоқий талабларни яратишга катта эҳтиёж мавжуд. Олимлар ва амалиётчилар бу турдаги принципларни одоб-ахлоқ кодекслари шаклида яратиш заруратини кўради. Бу кодекслар эълон қилинибгина қолмай, бухгалтерия ҳисобида мустаҳкамлаб қўйилиши ва амалий қўллаш даражаси риоя қилиниши лозим.

Ахборотдан фойдаланувчилар. Бухгалтерия ҳисоби тизимида шаклланувчи ахборот хўжалик юритувчи субъект доирасида ҳам, ташқи фойдаланувчилар томонидан ҳам оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилишга хизмат қилиши лозим. Бундай ахборот сифатига нафақат ахборот тақдим этувчи шахслар, балки уни текширувчи шахслар (аудиторлар, тафтишчилар), шунингдек, бевосита фойдаланувчилар ҳам таъсир кўрсатади.

Фойдаланувчиларга келсак, айнан улар ахборот қиммати ва сифатини белгилаб беради. Энг қимматли ахборот фойдали ахборот ҳисобланади. Бироқ ахборот сифати истеъмолчи учун энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланишига қарамай, фойдаланувчиларнинг сифатга талаблари ва ахборот тақдим этувчи шахсларнинг мазмун билан тўлдириш борасидаги талаблари ўртасида маълум бир зиддият мавжуд.

Бир томондан, ҳисоб ахбороти манфаатдор шахслар (фойдаланувчилар) билиши зарур бўлган максимал жиҳатлар ва зарур изоҳлардан иборат бўлиши лозим. Бошқа томондан – ҳар бир фойдаланувчини асосан ахборот ишончли эканлиги ва уни тақдим этувчининг ҳалоллиги эмас, балки унинг фойдалилиги, яъни энг кам харажатлар билан белгиланган мақсадга эришиш имконияти кизиқтиради.

Мос равишда, бухгалтерия ахбороти сифати икки жиҳат билан белгиланади. Биринчи жиҳат бухгалтерия ахборотидан фойдаланиш мақсади билан белгиланади. Масалан, бир хил ахборот турли бошқарув мақсадлари учун турлича қимматга эга бўлади. Иккинчи жиҳат – бухгалтерия ахборотидан манфаатдор шахслар (айниқса, ташқи фойдаланувчилар) фойдаланиш имконияти. Хусусан, муайян хўжалик юритувчи субъект ҳақида ахборотга муҳтож манфаатдор фойдаланувчилар бундай ахборотни тушуниш, баҳолаш ва фойдаланиш учун етарли билимларга эга бўлиши лозим. Ўз навбатида, уларга тақдим этилган ахборот тезкор бўлиши лозим, чунки вақт ўтиши билан ахборот қиммати йўқотилиши мумкин.

Қуйидаги жадвалда бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатини ошириш йўналишлари келтирилган (1-жадвал).

Бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминоти сифатига, унинг тўлиқлиги, ишончилиги, ўз вақтидалиги ва объективлигига нафақат таҳлилий ишлар сифати, балки бошқарув объектларига раҳбариятнинг таъсири ҳам боғлиқ. Ҳисоб ахборотлари сифати юқорилиги фақат тўлақонли ҳисоб принципларини қўллаш ҳамда сифатли ахборот тизими, жумладан, бухгалтерия ҳисоби тизимини яратишга таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олишни таъминлайди, холос.

Бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатини ошириш йўналишлари²

Бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатига таъсир этувчи омиллар	Омилларни ёритиб бериш	Тадқиқ этилган омилларни ҳисобга олган ҳолда ахборот сифатини ошириш йўллари	
		Қонунчилик даражасида:	Хўжалик юритувчи субъект даражасида:
Қонунчилик билан тартибга солиш, ҳуқуқий меъёрлар ва стандартларни қўллаш даражаси	Қонунчилик билан тартибга солиш даражаси. Бухгалтерия ахборотини шакллантириш методологияси Молиявий ҳисоботни тузиш қоидалари. Ахборотга қўйиладиган талаблар. Мавжуд ҳуқуқ меъёрларини қўллаш усуллари. Профессional муҳокамадан фойдаланиш имконияти	қўшимча принциплар жорий қилиш, хусусан, ҳужжатлаштириш принципи; профессионал муҳокама қўлланиладиган соҳаларни камайтириш	ҳисоб сиёсати принципларини аниқ белгилаш; хўжалик юритувчи субъект мулкдорлари томонидан назоратни кучайтириш
Ахборот шакллантириш ва тақдим этиш жараёни, тақдим этиш манбаси	Ахборот тўплаш тизими, йиғиш ва қайд қилиш усуллари. Бирламчи ҳужжатларни шакллантириш. Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартиби	бирламчи ҳужжатлар янги намунавий шакллари жорий этиш.	ҳисобни оқилона ташкил қилиш; ахборот тўплаш, йиғиш ва қайд қилиш усуллари тўғрилигини таъминлаш; ахборот олиш ва бухгалтерия ҳужжатларида акс эттириш муддатлари ўртасидаги фаркни қисқартириш; ҳисобот кўрсаткичларини ўзгартириш имкониятининг олдини оладиган тегишли назоратни таъминлаш
Тақдим этиш субъекти	Ахборот тақдим этиш субъектларининг профессионал ва шахсий тавсифлари Уларнинг хўжалик юритувчи субъект ҳақида ахборотга эғалик даражаси Амалдаги қонунчиликни билиш. Турли ҳуқуқий (фуқаролик, маъмурий, солиқ ва б.) меъёрлардан фойдаланиш кўникмаси Бухгалтерия ҳисоби тизимида ахборот технологияларини билиш ва қўллаш. Қонунчилик даражасида ҳам, хўжалик юритувчи субъект микёсида ҳам қабул қилинган ахлоқий меъёрлар	фойдаланувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини яратиш; ҳисоботларни қалбакилаштириш ва бошқа бухгалтерия маълумотларини бузиб кўрсатишнинг олдини олиш; хулқ-атвор принциплари ва стандартлари яратиш (одоб-ахлоқ кодекси).	хўжалик юритувчи субъект микёсида бухгалтерия ахлоқини жорий қилиш ва мустаҳкамлаш
Ахборотдан фойдаланувчилар (ёки якуний истеъмолчилар)	Фойдаланувчиларнинг бухгалтерия ахборотига таъсири. Текширувчи шахсларнинг тақдим этиладиган ахборотга таъсири	Ушбу босқичда манфаатдор шахслар талабларига таъсирни амалга ошириш имкони мавжуд эмас.	Хўжалик юритувчи субъект даражасида – сифат назоратини таъминлаш

Фикримизча, бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминотини яратишга асос қилиб минимал рисклар билан максимал фойда олишга йўналтирилган бошқарувнинг асосий функцияларини бажариш имконини берувчи ахборот модели яратилиши лозим. Тизимли ёндашув бошқарувнинг ҳисоб, таҳлил, назорат, аудит ва бошқа функциялари натижаларини баҳолашда фойдани

² Муаллиф томонидан тузилган.

шакллантириш ва тақсимлаш бўйича самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш имконини беради.

ХУЛОСА

1. Бухгалтерия ҳисобининг асосий функцияларидан бири фойдаланувчиларни ишончли ахборотлар билан ўз вақтида таъминлашдир. Молиявий ахборотлар хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитида бошқарув жараёнини амалга ошириш учун энг қимматли манба ҳисобланади, чунки у доимо режалаштириш, ташкил этиш ва назорат сингари барча бошқарув функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ.

2. Ташқи фойдаланувчилар учун бухгалтерия ҳисоби ахборотлари нинг сифатли тақдим этилиши муҳим масалалардан ҳисобланади. Бирок, бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг сифатини таъминлаш бир қанча омилларга боғлиқ ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатига таъсир этувчи омиллар 4 та йирик гуруҳга ажаратилди ва ҳар бир гуруҳдаги омилларнинг моҳияти очиқ берилди.

3. Мамлакатимизда иқтисодийни изчил ривожлантириш ва қулай инвестицион муҳитни яратиш мақсадида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш, молиявий ҳисоботларни тузиш қоидаларини такомиллаштиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг сифатини ошишига хизмат қилади. Изланишлар натижасида қонунчилик ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар кесимида бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатини ошириш борасида таклифлар ишлаб чиқилди. Мазкур таклифларнинг жорий этилиши нафақат бухгалтерия ҳисоби ахборотлари сифатининг ошишига, балки мамлакатимизда амал қилиб қилаётган бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартларга яқинлаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. International standard of accounting №1. Presentation of financial statements. www.iasplus.com

2. Ahmad Adel Jamil Abdallah. The impact of using accounting information systems on the quality of financial statements submitted to the income and sales tax department in Jordan. //European Scientific Journal. December, 2013 /SPECIAL/ edition vol.1

3. Bruce Pounder. Measuring Accounting Quality. // Strategic finance. May, 2013

4. Caraiman Adrian-Cosmin. Accounting information system - qualitative characteristics and the importance of accounting information at trade entities. // Annals of the “Constantin Brâncuși” University of Târgu Jiu, Economy Series, Issue 1, volume II/2015

5. Nasrin Azar, Zarina Zakaria, Noor Adwa Sulaiman. The Quality of Accounting Information: Relevance or Value-Relevance? // Asian Journal of Accounting Perspectives 12(1), 1-21

6. Nubia Isabel Diaz Ortega, Juan Manuel Villamizar Ramirez. The use of accounting information system as guidance for the decision-making in Cucuta SMEs.// Revista ESPACIOS. Vol. 38 (№ 41), 2017. Page. 2

7. Nur Zeina Maya Sari, Djumhana Purwanegara. The Effect of Quality Accounting Information System in Indonesian Government (BUMD at Bandung Area). //Research Journal of Finance and Accounting www.iiste.org ISSN 2222-1697 (Paper) ISSN 2222-2847 (Online) Vol.7, No.2, 2016

8. Юдинцева Л.А. Проблема качества бухгалтерской информации в российских и международных стандартах. // Международный бухгалтерский учет, 37 (235) – 2012